



АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСНИ ҒАЙРИИЖТИМОЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРГА ЖАЛБ ЭТГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Акбароҳунова Эльзода Равшан қизи

Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги

Академик лицей 2-курс, 2.9-гуруҳ талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6422410>

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7936158>

ARTICLE INFO

Received: 06th May 2023

Accepted: 14th May 2023

Online: 15th May 2023

KEY WORDS

Вояга етмаган, бола, шахс, гуруҳ, ғайриижтимоий, хатти-ҳаракат, хорижий давлатлар, жиноят, жазо, жавобгарлик.

ABSTRACT

Мазкур мақолада айрим хорижий давлатлар Жиноят қонунчилигида вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган масалалар баён этилган. Шунингдек, мақолада вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этишнинг айрим жиҳатларини тадқиқ этган олимларнинг фикир ва мулоҳазалари таҳлил қилинган.

Дунёда катта ёшдагилар томонидан вояга етмаганларни ноқонуний ҳаракатларга жалб этилиши аксарият ҳолларда оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилишига, шу жумладан уларни тиланчиликка, ичкиликбозликка, гиёҳвандликка, фоҳишабозликка ва бола порнографиясига жалб этилиши кўпайиб бораётгалиги жиддий хавотир уйғотмоқда. Зеро, вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш билан боғлиқ жиноятлар ижтимоий қадрият ва анъаналарга, жамиятнинг ҳуқуқий асосларига зарар етказиб, ўсиб келаётган авлод салоҳиятини бузғунчиликка йўналтиради, вояга етмаганларни “криминал маданият” турмуш тарзига ўргатади, шунингдек жамиятда қонунга ҳурмат ва итоаткорлик руҳи мустаҳкамланишига тўсқинлик қилади. Бу эса, вояга етмаган шахсларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга, жиноят содир этишга жалб этганлик учун жавобгарликни белгиловчи қонунчиликни такомиллаштириш долзарблигидан далолат беради.

Шулардан келиб чиқиб, айим ривожланган хорижий давлатларнинг вояга етмаганларни жиноятга жалб этганлик учун жавобгарлик белгиланган ЖК нормаларининг таҳлили

АҚШ Жиноят кодекси Умумий қоидаларининг 25-моддасида 18 ёшга тўлган ҳар қандай шахс вояга етмагандан зўравонлик жиноятини содир этиш учун қасддан фойдаланилганида АҚШ судида жавобгарликка тортилиши белгиланган¹.

Буюк Британиянинг 2003 йилги Жинсий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги қонуннинг 2-қисмида болаларга нисбатан жинсий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кўзда тутилган бўлиб, унда жинсий жиноятларнинг 17 га яқин жиноят

¹ Примерный уголовный кодекс США <https://constitutions.ru/?p=5849>



таркиби назарда тутилган. Биринчи гуруҳ жиноятлар: 13 ёшга тўлмаган болани зўрлаш; 13 ёшгача бўлган болага жинсий тажовуз; 13 ёшга тўлмаган болани жинсий фаолият билан шуғулланишга мажбурлаш ёки мажбурлаш. Жинсий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги қонунга асосан 13 ёшгача бўлган болаларни фоҳишабозлик, порнография ва ушбу ҳаракатларга даъват этишга жалб қилиш, шунингдек 18 ёшга тўлмаган болалардан пуллик жинсий хизматлардан фойдаланиш учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади. Болага нисбатан жинсий ҳаракатлар; болани жинсий фаолият билан шуғулланишга мажбурлаш ёки рағбатлантириш; болалар ҳузурида жинсий хатти-ҳаракатлар қилиш; болани жинсий алоқани кузатишга мажбур қилиш; болага қарши жинсий жиноятни тайёрлаш ёки унга кўмаклашиш. Санаб ўтилган жиноятлар биринчи гуруҳ жиноятларига нисбатан енгилроқ ҳисобланади ва улар учун энг юқори жазо ўн тўрт йилгача озодликдан маҳрум қилиш белгиланган. Агар васий ёки ҳомийнинг вазифаларини бажараётган шахслар ёки уларнинг фаолиятига қараб болаларни назорат қилишга мажбур бўлган шахслар: ўқитувчилар, шифокорлар, болалар муассасалари ходимлари ва тенг даражадаги ходимлар томонидан содир қилинса, беш йилгача қамоқ жазоси назарда тутилган².

Германия ЖК 180.1-моддаси вояга етмаганларни томонидан жинсий алоқани тарғиб қилиш деб номланиб, унга биноан, 16 ёшгача бўлган шахсга учинчи шахснинг ҳузурида ёки ўз ҳузурида жинсий алоқада бўлишга ёрдам берган ва рағбатлантирган ёки учинчи шахсга 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқада бўлишга ёрдам берган ва рағбатлантирган шахсларга жавобгарлик белгиланган. Мазкур модданинг кейинги қисмларда 16 ёшга тўлмаган шахснинг васийлиги ёки ҳомийлиги учун масъул бўлган шахс воситачилигида ёки улар томонидан имконият бериш ёхуд таъминлаш орқали содир этилган бўлса, жавобгарлик назарда тутилган. Германия ЖКнинг 180.2-моддасида эса 18 ёшга тўлмаган шахсни учинчи шахснинг ҳузурида ёки ўз ҳузурида жинсий алоқада бўлишга мажбур қилса ёки учинчи шахс томонидан ҳақ тўлаш учун амалга ошириладиган жинсий ҳаракатларга розилик берса ёки кимки бу каби ҳаракатларни осонлаштиради ва шундай қилса, воситачи беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима билан жазоланиши белгиланган³.

Швецария ЖК 195-моддасида вояга етмаган шахсни фоҳишалikka ундаганлик учун жавобгарлик белгиланган. Швецария Жиноят кодексининг 136-моддаси “Вояга етмаганларга уларнинг соғлигига таҳдид солувчи моддаларни бериш” деб номланиб, унга биноан 16 ёшгача бўлган болага унинг соғлигига таҳдид солиши мумкин бўлган миқдорда спиртли ичимликлар ёки бошқа моддаларни ёхуд гиёҳванд моддаларни берганлик учун жавобгарлик назарда тутилган⁴.

Япония ЖКнинг 16-моддасида жинсий гуруҳ аъзолари томонидан вояга етмаган шахслар (20 ёшга тўлмаган)ни мажбурлаш ёки ишонтириш орқали жинсий гуруҳга

²Английское уголовное право - English criminal law Английское уголовное право - https://ru.qaz.wiki/wiki/English_criminal_law#Other_offences/ru.qaz.wiki/wiki/English_criminal_law#Other_offences

³Уголовный кодекс Германии. в редакции от 13 ноября 1998 г. по состоянию на 15 мая 2020 г

⁴Swiss Criminal Code of 21 December 1937 (Status as of 1 July 2020) https://www.legislationline.org/download/id/8991/file/SWITZ_Criminal%20Code_as%20of%202020-07-01.pdf



жалб қилиши ёхуд жиноий гуруҳ таркибидан чиқишига тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик мустақамланган⁵.

Жанубий Корея Республикаси ЖК 242-моддасида “Фоҳишалikka жалб қилиш” деб номланиб, унга биноан, даромад олиш мақсадида вояга етмаган қизни ёки аёл жинсидаги шахсларни фоҳишалikka жалб қилганлик учун учун жавобгарлик назарда тутилган⁶.

Шунингдек, айрим МДХ давлатларининг вояга етмаганларни жиноятга жалб этганлик учун жавобгарлик белгиланган ЖК нормаларининг таҳлилига тўхталамиз. Жумладан, Россия Федерацияси ЖК 150-моддаси 2-қисмида жиноят субъектини тавсифловчи қўшимча белгилар мустақамланган. Мазкур модданинг ушбу қисми бўйича фақат вояга етмаган шахсни тарбиялаш мажбурияти юклатилган шахслар жавобгарликка тортилиши мумкин. Жиноят қонунда бу шахслар томонидан вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этганликнинг ижтимоий хавфи юқорилигини – уларнинг оила муносабати аъзолари ёки муйян касбий малакага эга бўлганликлари билан эмас, балки қонунда уларга ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш бўйича муҳим ижтимоий функциялар юкланганлиги ва улар буни қўпол равишда бузганликлари билан изоҳланади. Ота-она, фарзандликка олган, васийлар ва ҳомийлар қонун (Оила кодекси)да уларнинг зиммасига юклатилган тарбиялаш мажбурияти туфайли 150-модда 2-қисмида жиноят субъекти ҳисобланиши мумкин⁷. Мазкур шахсларнинг жавобгарлиги жиноятга ўз фарзандларини ёки тарбияланувчиларини жалб этгандагина юзага келади.

Субъектив мезонга кўра жавобгарликни дифференциациялаш Молдова⁸, Белорусь⁹, Озарбайжон¹⁰, Арманистон¹¹, Туркменистон¹², Тожикистон¹³нинг жиноят қонунчилигида белгиланган бўлиб, мазкур қилмиш учун асосий ва қўшимча жазо назарда тутилган. Озарбайжон ЖКда эса бу жиноят учун фақат озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги асосий жазо назарда тутилган.

Юқорида баён этилганларга асосан вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этганлик учун жавобгарликни дифференциациялашнинг субъектив мезон асосида амалга ошириш, яъни ота-она, фарзандликка олувчи, васий, ҳомий, ўқитувчи ва тарбияга масъул бўлган бошқа шахслар ўз тарбияси остидаги шахсларни жиноят қилишга жалб этганида, асосий жазодан ташқари муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазони қонунга киритиш мақсадга мувофиқдир, чунки ота-она, фарзандликка олганлар, васий ва ҳомийларнинг вояга етмаганлар манфаатларига

⁵ Уголовный кодекс Японии <https://constitutions.ru/?p=407>

⁶ Уголовный кодекс Корея <https://vseokoree.com/vse-o-koree/zakony-i-normativnye-pravovye-akty/ugolovnyj-kodeks-respubliki-koreya>.

⁷ Уголовного кодекс Российской Федерации – Москва. Офиц. издание. 2019.

⁸ Уголовный кодекс Республики Молдова / Вступительная статья к.ю.н. А.И. Лукашова – СПб.: Юридический центр Пресс, 2019.

⁹ Уголовный кодекс Республики Беларусь. Принят Палатой представителей 1 июня 1999 года. Одобрен Советом Республики 24 июня 1999 года / Обзорная статья А.В. Баркова. – Минск: Амалфея, 2018.

¹⁰ Новый Уголовный кодекс Азербайджанской Республики. – Баку: Digesta, 2020.

¹¹ Уголовный кодекс Республики Армения. - Ереван. Офиц. издание. 2019.

¹² Уголовный кодекс Республики Туркменистан. – Ашгабат: Амалея, 2018.

¹³ Уголовный кодекс Республики Таджикистан. Официальный текст. – Душанбе: «Конуният», 2018.



қарши жиноятларнинг содир этганлиги уларнинг келгусида тарбиячи сифатида қолишига монеилик қилади.

Россия Федерацияси ЖКда жавобгарликни дифференциациялашнинг яна бир мезони жиноятнинг объектив томонига қаратилган бўлиб, вояга етмаган шахсни зўрлик ишлатиб ёки зўрлик қўллаш таҳдиди билан жиноят қилишга жалб этганлик учун умумий асослардан фарқ қилувчи жавобгарлик белгиланган.

Туркманистон¹⁴ ва Тожикистон¹⁵ Жиноят кодексларида зўрлик ишлатиб ёки уни қўллаш таҳдиди билан вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш Россия Федерациясининг ЖКда белгиланган қоидага ўхшашдир.

Молдова ЖК дифференциациялашнинг мезони ҳисобланган зўрлик ишлатиб ёки уни қўллаш таҳдиди билан вояга етмаган шахсни уюшган жиноий гуруҳ ёки жиноий фаолиятга жалб этиш ҳам назарда тутилган бўлиб, улар учун бир хил санкция белгиланган¹⁶. Озарбайжон Республикаси ЖКда ҳам айтилган норма қайд этилган, бироқ унда вояга етмаган шахсни жиноий фаолиятга ва уюшган гуруҳга жалб этиш кўзда тутилмаган, фақат жиноий гуруҳга жалб этиш мавжуд.

Арманистон Республикаси ЖКда эса объектив томон белгисига кўра зўрлик ишлатиб ёки уни қўллаш таҳдиди билан вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш ва жиноят объекти белгисига кўра дифференциациялаш, яъни икки ёки ундан ортиқ шахсни жиноят қилишга жалб этиш тенглаштирилган¹⁷.

Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга зўрлик ишлатиб ёки уни қўллаш таҳдиди билан жалб этишни квалификация қилишда мазкур жиноят ота-она ёки вояга етмаган шахсни тарбиялаш функциялари юклатилган бошқа шахс томонидан содир этилганида қилмиш модданинг таҳлил этилаётган қисми билан квалификация қилинишига эътибор берилиши лозим, чунки умумназарий ёндашувга кўра махсус квалификациявий белги модданинг қўшимча квалификацияни тақозо этувчи қисмда кўзда тутилган ижтимоий хавфлироқ қилмишни қамраб олади. Зўрлик ишлатиб ёки уни қўллаш таҳдиди билан вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш Беларус Республикаси ЖКда жавобгарликни дифференциациялашнинг биринчи мезони яъни субъектив мезон билан бир қисмда акс эттирилган бўлиб уларнинг ҳар иккаласи учун бир хил санкция белгиланган.

Дифференциациялашнинг мазкур мезони амалда яна бир масалани, яъни вояга етмаган шахс томонидан катта ёшдаги шахснинг зўрлик ишлатиб таъсир кўрсатиши остида содир этилган ҳаракатларнинг жиноийлигини муҳокама қилиш зуруратини вужудга келтиради. Маълумки, шахснинг бошқа бир шахсни унинг ўз хоҳишига қарши бирор бир ҳаракатни содир этишга мажбур қилиш мақсадида зўрлик ишлатиб таъсир кўрсатиши мажбурлаш ҳисобланади, шу боис мазкур ҳолатда содир этилган қилмиш жиноят деб топилмаслиги мумкин. Бунда мажбурлаш қаршилиқ кўрсатиб бўлмайдиган

¹⁴ Уголовный кодекс Республики Туркменистан. – Ашгабат: Амалея, 2018.

¹⁵ Уголовный кодекс Республики Таджикистан. Официальный текст. – Душанбе: «Конуният», 2018.

¹⁶ Уголовный кодекс Республики Молдова / Вступительная статья к.ю.н. А.И. Лукашова – СПб.: Юридический центр Пресс, 2019.

¹⁷ Уголовный кодекс Республики Армения. - Ереван. Офиц. издание. 2019.



ёки қаршилиқ кўрсатилганида муайян зарар етказилиши бўлганида, мажбур этилаётган шахс ҳақиқий зарар етказувчи сифатида жавобгарликка тортилмайди¹⁸.

Арманистон Республикаси ЖКда жиноий гуруҳга эмас, балки вояга етмаган шахсни уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма фаолиятига жалб этиш учун жавобгарлик белгиланган¹⁹.

РФ ЖКда жавобгарликни дифференциация қилишнинг яна бир мезони сифатида оғир ва ўта оғир жиноятларга қилишга жалб этиш белгиланганлиги ҳам бежиз эмас, боиси ушбу жиноятлар ўзининг ижтимоий хавфи юқорилиги билан ажралиб туради. Вояга етмаган шахсни жиноятга жалб этганлик учун жавобгарликни дифференциациялашнинг ушбу мезонини киритиш зарурати оғир ва ўта оғир жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилиги билан изоҳланади.

Бунда, шахсларни жиноий гуруҳга олдиндан тил бириктирмасдан жалб этиш мумкин эмас, чунки жалб этишнинг ўзи муайян келишувга эришишни талаб этади. Катта ёшдаги шахс вояга етмаган шахсга таъсир этиб, у билан тил бириктирганида унинг ҳаракатлари вояга етмаган шахсни олдиндан тил бириктириб гуруҳга жалб этиш сифатида баҳоланмаслиги лозим. Чунки бу ҳолатда вояга етмаган ёрдамчи ёки бажарувчи сифатида уюшган жиноятни содир этишга жалб этилади ва гуруҳ фақат унинг иштироки билангина тузилади. Вояга етмаган шахс унинг иштирокисиз ҳам гуруҳ белгисига эга бўлган ёки энди ташкил этилаётган, яъни жалб этилаётган вақтда камида икки киши ўртасида жиноятни содир этиш тўғрисида олдиндан келишув мавжуд бўлган, вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этишни мазкур қисм билан квалификация қилиш учун асос бўлади. Жиноий гуруҳ деганда ҳар қандай ҳолатдаги уюшган гуруҳ ва жиноий уюшма тушунилади.

ЖКнинг иштирокчилиқка оид моддасида берилган жиноий гуруҳлардан ташқари, уюшган қуролли гуруҳ тузиш, шунингдек унга раҳбарлик қилиш ёки унда иштирок этиш, жиноий уюшмани ташкил этиш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва шахсиятига тажовуз қилувчи, экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа таъқиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш ва уларда иштирок этиш кабилар ҳам жиноий гуруҳнинг кўриниши ҳисобланади.

Хулоса қиладиган бўлсак, деярли барча хорижий давлатларида вояга етмаган шахсларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга ва жиноятга алдаш, зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб жалб қилганлик учун махсус алоҳида нормалар кўзда тутилган. ЖК 127-модданинг биринчи қисмидаги хатти-ҳаракатларга вояга етмаган шахсни жалб қилганлик маъмурий ҳуқуқбузарлик бўлса, ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларидаги хатти-ҳаракатлар, ғайриижтимоий бўлиш билан бирга, ижтимоий хавфли ҳисобланади, яъни жиноят деб тан олинади.

References:

¹⁸Блинников В.А. Обстоятельства, исключющие преступность деяния в уголовном праве России. Ставрополь, 2001.-С.166.

¹⁹ Уголовный кодекс Республики Армения. - Ереван. Офиц. издание. 2019.